

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.31.10.2019.Тиб.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУХАМЕДОВА ШАХНОЗА ТОЛИБОВНА**

**ТИЗИМЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ ЖАВОБ СИНДРОМИ БЎЛГАН  
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ЦИТОКИНЛАР ДИНАМИКАСИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Мухамедова Шахноза Толибовна**

Тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган  
чақалоқларда цитокинлар динамикасининг ўзига  
хос хусусиятлари.....3

**Мухамедова Шахноза Толибовна**

Особенности динамики цитокинов у новорожденных  
с синдромом системного воспалительного ответа.....23

**Muxamedova Shakhnoza Tolibovna**

Features of cytokine dynamics in newborns with  
systemic inflammatory response syndrome.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.31.10.2019.Тиб.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУХАМЕДОВА ШАХНОЗА ТОЛИБОВНА**

**ТИЗИМЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШ ЖАВОБ СИНДРОМИ БЎЛГАН  
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ЦИТОКИНЛАР ДИНАМИКАСИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib799 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Наврузова Шакар Истамовна</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Федоскова Татьяна Германовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Алиева Нигора Рустамовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.31.10.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси,1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru))

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

**Н.У.Нарзуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Н.А.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда чақалоқлар орасида уларни туғруқдан кейинги мослашув даврини издан чиқарувчи ҳомила патологияси сони ошиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...бир ёшгача бўлган болалар касалланишининг 39,8%и перинатал даврда юзага чиқадиган ҳолатлар сабабли ривожланади ва болалар ўлимига энг кўп сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади»<sup>1</sup>. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...дунёда 5 ёшгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичи ҳар 1000 та туғилишга 43 тани ташкил қилмоқда. Ушбу ҳолатларнинг сабаби 20% юқумли генезли бўлса, 80% юқумли бўлмаган генезга тўғри келмоқда»<sup>2</sup>. Чақалоқларда туғруқдан кейинги мослашув даврида касалланишнинг юқорилиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда чақалоқлардаги тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг шаклланиши ҳамда кечишини комплекс ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болаларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромини даволаш, касалликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар механизмини яратиш, касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этувчи замонавий усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, касаллик предикторларини, иммун тизимда кечадиган ўзгаришларни ҳамда ушбу синдромнинг қондаги ва сийдикдаги муҳим информатив цитокинларини аниқлаш, болалар ҳаёти давомийлигини ва сифатини яхшиловчи турли профилактика чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, янги патогенетик асосланган даволаш ва ташхислаш усулларни ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «... аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, перинатал даврда юзага чиқадиган ҳолатларларни ташхислаш ва даволашнинг турли

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2017., <http://www.who.inthehealthinfostatistics>

<sup>2</sup> Б.Т. Тусупкалиев, А. К. Жумалина, Б.А. Жекеева, О.В. Заваленная, Р.М. Байжанова Синдром системной воспалительной реакции при герпетических инфекциях у новорожденных с малой массой тела при рождении // Вестник КазНМУ - 2015. - №4. - С. 72-75.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сонли Қарори.

усулларини такомиллаштириш, айниқса уларда кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки тизимли яллиғланиш жавоб синдроми патогенези асосини яллиғланишни қўлловчи (асосан ўсма некрози фактори-TNF- $\alpha$ , IL-6, IL-8, IL-10) цитокинларини кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши ташкил этади. Шу ўринда эндотелий дисфункцияси синдромида асосий вазифа TNF- $\alpha$  ва IL-6 зиммасига тушади. Яллиғланишни қўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокинлар орасидаги мувозанат бузилишига, турли триггер омиллар билан бир қаторда ирсий детерминирланганлик муҳим ҳисобланади. Таъсир этаётган агент энгил агрессивлик кўрсатганда (масалан, физиологик ҳомиладорликда) цитокинлар фаоллиги уларнинг антагонистлари билан мувозанатлашади ҳамда жараён шу фазада тўхтайдди. Цитокинлар фаоллиги устунлик қилса жараён ривожланади, қонда яллиғланишнинг ўткир фаза оқсиллари ва цитокинлар, айниқса TNF кўрсаткичи ва эндотоксин миқдори ошади (Jorgensen I. et al.,2016).

Тизимли яллиғланиш жавоб синдроми одатий ҳомила тушиши, ҳомила олди сувларининг вақтидан олдин кетиши, амниотик суяқлик эмболияси, преэклампсия, HELLP-синдроми, ўткир йирингли гестацион пиелонефрит, ДВС синдроми, антифосфолипид синдроми, метаболик синдром ҳамда йўлдош етишмовчилиги синдроми ривожланишида иштирок этади (Безнощенко Г.Б., 2018).

Охирги ўн йилларда цитокинлар кенг ўрганилмоқда. Аммо бу изланишларнинг физиологик ва ташхисий муҳимлигига қарамасдан цитокинлар тизими ҳолати тўғрисида аниқ тўхтамга келиш қийин. Бир вақтнинг ўзида турли гуруҳларда цитокинлар кўрсаткичини баҳолашгина цитокинлар мувозанатини нисбатан аниқ баҳолаш имконини беради. (Савельев В.С., 2006., Андрианов Е.Н., 2008). Бундан ташқари қонда цитокинлар миқдори кўрсаткичи ҳар бир микроорганизм учун индивидуал. Шунинг учун цитокинлар кўрсаткичини давомли ўрганишгина маълум

қийматга эга (Цилина С.В. ва ҳаммуал., 2008). Адабиётларда янги туғилган чақалоқларга таъсир этувчи зарарли омиллардан келиб чиқиб, цитокинлар кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Бу эса уларда ТЯЖС истиқболлини ишлаб чиқишда кейинги иммуно-биокимёвий текширишлар ўтказишни талаб қилади. Ўтказилган кўп сонли илмий изланишларга қарамасдан ТЯЖСни ташхислашда ва истиқболлини белгилашда цитокинлар кўрсаткичлари тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Янги туғилган чақалоқларда ТЯЖСдан асоратланиш ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган юқумли бўлмаган патологияларда ташхисот меъзонлари мавжуд эмаслиги бу соҳада ҳали кўп тадқиқотлар ўтказиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотиининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.002 «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқларда цитокинлар динамикасида ташхисий ва истиқболли белгиловчи аҳамиятини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

перинатал патологиянинг учраш даражаси ва тузилмасини аниқлаш;  
тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқлар қони ва пешобида цитокинлар статуси кўрсаткичларини аниқлаш;

мослашув даврига мос ҳолда юқумли ва юқумли бўлмаган патологияли чақалоқлар қони ва пешоби цитокинлар кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

янги туғилган чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг оғирлашиш мезонларини ишлаб чиқиш;

ҳомила ва янги туғилган чақалоқлар иммун тизимига зарарли таъсир қилувчи омиллар даражасини, уларнинг таъсир этиш муддати бўйича аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2018 йилларда Бухоро шаҳар туғруқхонасида туғилган ва Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган 122 нафар бемор чақалоқлар ва 30 нафар соғлом чақалоқлар проспектив текширилди ҳамда 4161 нафар чақалоқлар касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида чақалоқлар веноз қони, қон зардоби ҳамда пешоби иммунологик тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, функционал, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор инфекцион яллиғланиш касалликлари бўлган чақалоқларнинг эрта мослашув даврида қон зардобидаги IL-6, IFN- $\gamma$  миқдорининг ортиши, кечки мослашув даврида эса қон зардобида TNF- $\alpha$  ва IL-8 миқдорининг кескин икки баробар камайиши пешобда мослашув даврига боғлиқ бўлмаган ҳолда TNF- $\alpha$  ва IL-6 миқдорининг ортиши билан кечиши исботланган;

илк бор юқумли бўлмаган патологияли чақалоқларнинг эрта мослашув даври қон зардобида (TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$ , IL-6) цитокинлар миқдорининг ортиши пешобда IL-6 миқдорининг пропорционал равишда ортиши билан кечиши исботланган;

юқумли бўлмаган патологияли чақалоқларнинг кечки мослашув даври қон зардобида IFN- $\gamma$  миқдори, пешобда TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$  ва IL-6 миқдорларининг ортишига боғлиқлиги аниқланган;

юқумли бўлмаган патологияли чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоби синдромининг оғирлик мезонлари - эрта неонатал даврида пешобда TNF- $\alpha$  ва IFN- $\gamma$  ортиши, кечки неонатал даврида қон зардобида IL-6 ва TNF- $\alpha$ , пешобда IL-8 миқдорининг ортишига боғлиқлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқлар эрта ва кечки неонатал даврида қонда ва сийдикда цитокинлар миқдори ўзгаришлари динамикаси касаллик истиқболини белгилаш ва даво тактикасини аниқлаш имконини бериши исботланган;

чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда ноинвазив уриноцитокиноташхисот имконини берувчи сийдик йиғиш мосламаси ишлаб чиқилган;

чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромида мавжуд хавфли омилларни эрта аниқлаш, касаллик оғирлиги ва истиқболини белгилаш имконини берадиган дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқларда цитокинлар миқдори ўзгаришлари динамикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш республикада келажақда чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади. Тизимли яллиғланиш жавоб синдромида чақалоқларнинг эрта ва кечки мослашув даврида қон зардобиди ҳамда пешобда (TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$ , IL-6, IL-8) цитокинлар миқдори ўзгаришининг ўзаро боғлиқлиги, яллиғланиш жараёнига хос ўзгариши касаллик



патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқлар эрта ва кечки неонатал даврида ноинвазив уриноцитокиноташхисот имконини берувчи сийдик йиғиш мосламасини ишлаб чиқилгани, қонда ва сийдикда цитокинлар миқдори ўзгаришлари динамикаси касалликни истиқболини белгилаш ва даво тактикасини аниқлаш имконини бериши, касаллик ривожланиши олдини олиши ва беморлар хаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқларда цитокинлар динамикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Янги туғилган чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромини истиқболини аниқлаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июндаги 8н-р/259-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома янги туғилган чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромини ташхислаш, касалликнинг олдини олиш ва истиқболини белгилашга хизмат қилган;

«Янги туғилган чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромининг янги ноинвазив цитокинодиагностик усулини қўллаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 19 июндаги 8н-р/260-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромини эрта ташхислаш ва иммун тизим цитокинлари бўғинидаги бузилишларни аниқлаш, ўз вақтида даволашнинг оптимал усуллари танлашга ва касалликнинг олдини олишга хизмат қилган;

тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқларда цитокинлар динамикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Бухоро вилоят перинатал маркази, Вобкент ва Бухоро туманлари ҳамда Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 июндаги 8н-д/162-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома янги туғилган чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдромини ташхислаш, эрта даволаш чора тадбирларини қўллаш орқали касаллик асоратларини камайтириш, стационарда даволаш муддатини қисқартириш билан иқтисодий самарадорликка эришиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имконият яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола,

жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Чақалоқлар тизимли яллиғланиш жавоб синдроми ташхисотида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар шарҳи, ундан ташқари ТЯЖСнинг замонавий таърифи ва клиник меъзонлари, перинатал давр патологияларида она-йўлдош-ҳомила тизими вазифалари, ҳамда цитокинлар тизимининг айрим жиҳатлари ёритилган. Келажақда ўрганилиши талаб қилинаётган муаммоли саволлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Текширилган чақалоқлар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган болаларнинг умумий хусусиятлари ва махсус тадқиқот усуллари келтирилган. Мақсад ва вазифага эришиш учун 4161 та Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлимида даволанган чақалоқларнинг касаллик тарихлари ретроспектив ўрганилган. 2016-2018 йилларда Бухоро вилоят перинатал марказида туғилган ва 2-бўғинга (Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, неонатология бўлими) кўчирилган, онасида иммун тизими касалликлари бўлмаган 122 нафар чақалоқлар текширувлардан ўтказилган.

Бемор чақалоқларнинг қон иммунологик текшируви ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти, иммуноморфология лабораториясида ўтказилган. Чақалоқлар қони ва пешобидаги цитокинлар ҳолати (IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ , INF- $\gamma$ ) ўрганилган. Қон ва пешоб таҳлиллари эрта (хаётининг 8- суткасигача) ва кечки (хаётининг 8-28 кунлари давомида) даврларда олинган.

Цитокинлар (IL-6, IL-8, TNF- $\alpha$ , INF- $\gamma$ ) қон зардобидида ва пешобда ИФА усулида кўрсатмага асосан аниқланган. «Цитокин» тест тўпламидан (СПб, РФ) фойдаланилган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулидан фойдаланиб, амалга оширилган. Ўртача фарқлар ишончлилиги Стъюдент (t)

мезони асосида тарқалиш нормаллиги ва асосий дисперсия тенглигини (F – Фишер мезони) текширишда хатолар эҳтимолини (P) ҳисобга олиб, баҳоланган. Корреляцион таҳлил Пирсон (r) усулидан фойдаланиб, олиб борилган. Чизиқли корреляцион таҳлил қондаги ва пешобдаги цитокинлар кўрсаткичи ва уларнинг мутлақ кўрстагичи орасидаги тўғри боғлиқлик меъзонлари Чеддок шкаласи бўйича (2015) баҳоланган.

Диссертациянинг «**Янги туғилган чақалоқлар патологияси ривожланишида зарарловчи омиллар таъсирининг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобида чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда ТЯЖС ривожланишининг истиқболи келтирилган. Ҳомиладорликда оналарга таъсир этган инвазив ва ноинвазив муолажаларни ўрганиш мақсадида хавф омиллари рўйхати тузилган.

Таъсир қилиш вақтига қараб хавф омиллари антенатал, интранатал ва постнатал хавф омилларига бўлинган. Ҳомиладор аёлга таъсир этган ҳам юқумли ҳам юқумли бўлмаган омиллар инobatга олинган, жумладан ҳомиладорлик даврида ўтказилган тиббий муолажалар ҳам.

Ўрганилган хавф омиллари асосида чақалоқларда ТЯЖС ривожланишининг истиқболлини белгиловчи жадвал ишлаб чиқиш учун меъёрий интенсив кўрсаткич (МИК) ва нисбий хавф даражаси (R) ҳисоблаб чиқилган. Нисбий хавф даражаси J.A.Cornfield (1951) формуласи асосида ҳисобланган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдроми ривожланишининг хавф омилларини интеграл баҳолаш

Хавф омиллари	Юқумли патологияли чақалоқлар гуруҳи, n=60		Юқумли бўлмаган патологияли чақалоқлар гуруҳи, n=62		Нисбий хавф	Имкониятлар нисбати
	Абсолют	Ҳисоб	Абсолют	Ҳисоб		
Ота онада TORCH инфекциянинг мавжудлиги	37	61,7	14	22,6	2,73	5,52
Онада сурункали инфекция ўчоқларининг мавжудлиги	45	75,0	23	37,0	2,02	5,09
Ҳомиладорлик даврида ўтказилган ўткир респиратор вирусли касаллик	16	26,7	11	17,7	3,22	6,18
Ҳомила тушиш хавфи	36	60,0	28	45,2	1,33	1,82
Йўлдошнинг қисман кўчиши	26	43,3	15	24,2	1,79	2,40

Йўлдошда гематома ва кальцификатлар мавжудлиги	12	20,0	19	30,6	0,65	0,65
Қоғоноқ сувларининг кам ёки кўплиги	18	30,0	7	11,3	2,66	3,37
Ультратовуш текширувида қоғоноқ сувларининг хиралашганлиги	48	80,0	16	25,8	3,10	3,1
Гестоз	20	33,3	13	21,0	1,59	1,88
Онанинг анемия билан касалланганлиги	48	80,0	39	62,9	1,27	2,36
Ота онанинг зарарли одатлари (алкоголь, никотин)	11	18,3	14	22,6	0,81	0,81
Кечиккан туғруқ	6	10,0	8	12,9	0,78	0,75
Ҳомиланинг она қорнида аномал жойлашуви	13	21,7	4	6,5	3,36	4,01
Оператив туғруқ	49	81,7	51	82,2	0,98	0,88
Туғруқ даврида хорионамнионит	17	28,3	7	11,3	2,51	3,11
Туғруқда акушерлик ускуналаридан фойдаланиш	3	5,0	4	6,4	0,78	0,76
Давомли сувсизлик даври (18 соатдан кўп)	40	66,7,	14	22,5	2,95	6,86
Мекониал қоғоноқ сувлари	19	31,7	15	24,2	1,31	1,45
Туғруқ йўллариининг зарарланганлик белгилари	41	68,3	13	21,0	3,26	8,13
Чақалоққа кўрсатилган тўлиқ реанимация чора тадбирлари	25	41,7	21	33,9	1,23	1,39
Трахеа интубацияси	5	8,3	8	12,9	0,65	0,61
Инъекциялар	49	81,7	32	51,8	1,58	4,18
Вакцинация	56	93,3	58	96,7	0,88	0,32
Фототерапия	17	28,3	13	17,7	1,60	1,83

Ҳомиладор аёл организмига таъсир этувчи антенатал омиллардан ҳомиладорлик даврида ўтказилган ўткир респиратор вирусли касаллик

(RR=3,22), қоғоноқ сувларининг кам ёки кўплиги (RR =2,66) ва туғруқ йўллариининг зарарланганлик белгилари (RR=3,26) чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдроми ривожланишида юқори нисбий хавфга эга эканлиги аниқланган.

Интранатал омиллар орасида ҳомиланинг она қорнида аномал жойлашуви (RR=3,36), узоқ давом этган сувсизлик даври (18 соатдан ортик) (RR=2,95) ва туғруқ давридаги хориоамнионит (RR =2,51) устунлик қилгани эътиборни жалб қилади. Улар табиий ҳимоя баръерларнинг яллиғланишга қаршилиқ кўрсатиш хусусиятини бузувчи омил сифатида намоён бўлади ва чақалоқ организмида яллиғланишга қарши жавоб реакцияси шаклланишига сабаб бўлади.

Текширишларда инъекциялар (RR=1,58) ва фототерапия муолажаларининг (RR=1,60) чақалоқларда тизимли яллиғланиш жавоб синдроми ривожланишида юқори нисбий хавфга эга эканлиги қайд этилган. Хавф омилларининг таъсири ТЯЖС белгилари (тана ҳароратининг 38С ° дан юқорилиги ёки 36 °Сдан пастлиги; юрак қисқаришлар кўрсаткичининг 1 дақиқада 90 мартадан кўплиги; нафас кўрсаткичининг 1 дақиқада 40 мартадан кўплиги ва периферик қонда лейкоцитлар кўрсаткичининг  $12 \times 10^9$ /л дан юқорилиги ёки  $4 \times 10^9$ /л дан пастлиги.

Хавф омилларини интеграл баҳолашнинг кейинги босқичида меъёрий интенсив кўрсаткич аниқланган (МИК).

Истиқболни белгиловчи жадвал тузиш мақсадида истиқболи ўрганилаётган белгининг солиштириш имкони бўлган муҳим омиллари ва градациялари олинган. Омилларнинг аҳамияти нисбий хавф кўрсаткичидан (R) фойдаланиб ҳисобланган (2-жадвал).

## 2 жадвал

### ТЯЖС нинг ривожланиш хавфини мажмуавий баҳолаш учун истиқболни белгиловчи матрица

Хавф омиллари	Омиллар градацияси	%	МИК	R	X		
					Min/max	мин	мах
Ота оналарда TORCH инфекциянинг мавжудлиги	Бор	61,7	1,464	2,73	1,46	1,46	4,00
	Йўқ	22,6	0,536		4,00		
Она организмида сурункали инфекция ўчоғининг мавжудлиги	Бор	75,0	1,338	2,02	1,34	1,34	2,71
	Йўқ	32,1	0,662		2,71		
Ҳомиладорликда ўтказилган ўткир респиратор вирусли касаллик	Бор	26,7	1,201	1,50	1,20	1,20	1,81
	Йўқ	17,7	0,799		1,81		

Ҳомила тушиш хавфи	Бор	60,0	1,141	1,33	1,14	1,14	1,52
	Йўқ	45,2	0,859		1,52		
Йўлдошнинг қисман кўчиши	Бор	43,3	1,283	1,79	1,28	1,28	2,30
	Йўқ	24,2	0,717		2,30		
Қоғоноқ сувларининг камлиги	Бор	30,0	1,453	2,66	1,45	1,45	3,86
	Йўқ	11,3	0,547		3,86		
УТТда қоғоноқ сувларининг хиралашганлиги	Бор	80,0	1,512	3,10	1,51	1,51	4,69
	Йўқ	25,8	0,488		4,69		
Гестоз	Бор	36,4	1,212	1,54	1,21	1,21	1,86
	Йўқ	23,6	0,788		1,86		
Онанинг анемия билан касаллангани	Бор	87,3	1,103	1,23	1,10	1,10	1,36
	Йўқ	70,9	0,897		1,36		
Ҳомилани она қорнида аномал жойлашуви	Бор	21,7	1,541	3,36	1,54	1,54	5,18
	Йўқ	6,5	0,459		5,18		
Туғруқ давридаги хорионамнионит	Бор	28,3	1,430	2,51	1,43	1,43	3,59
	Йўқ	11,3	0,570		3,59		
Давомли сувсизлик даври (18 соатдан кўп)	Бор	66,7	1,494	2,95	1,49	1,49	4,41
	Йўқ	22,6	0,506		4,41		
Меконийли қоғоноқ сувлари	Бор	31,7	1,134	1,31	1,13	1,13	1,48
	Йўқ	24,2	0,866		1,48		
Туғруқ йўлларининг зарарланганлик белгилари	Бор	68,3	1,530	3,26	1,53	1,53	4,99
	Йўқ	21,0	0,470		4,99		
Инъекции	Бор	81,7	1,225	1,58	1,23	1,23	1,94
	Йўқ	51,6	0,775		1,94		
Фототерапия	Бор	28,3	1,230	1,60	1,23	1,23	1,96
	Йўқ	17,7	0,770		1,96		

Хавф диапозони (21,33÷47,80) ва унинг турлари аниқланган. Амалий жиҳатдан диапозонлар 3 хил интервалга: ТЯЖС ривожланишининг кучсиз

(21,33÷30,15), ўртача (30,16÷38,98) ва юқори (38,99÷47,80) хавф эҳтимолига ажратилган (3-жадвал):

### 3 жадвал

#### ТЯЖС ривожланиш хавфининг истиқболини белгиловчи диапазон ва гуруҳларнинг аҳамияти

Эҳтимоллик	Эҳтимоллик чегаралари	Хавф гуруҳлари
Кучсиз эҳтимоллик	21,33÷30,15	Истиқболи қониқарли
Ўртача эҳтимоллик	30,16÷38,98	Диққат
Юқори эҳтимоллик	38,99÷47,80	Истиқболи қониқарсиз

Чақалоқларда ТЯЖСнинг ривожланиш истиқболини баҳолаш имконини берувчи ушбу жадвалдан фойдаланиб уларнинг мослашув даврининг истиқболини баҳолаш ва ТЯЖСни эрта ташхислаш имкониятига эга бўлди.

Чақалоқ қайси гуруҳга мансублигига кўра, мос равишда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, агар чақалоқ «истиқболи қониқарли» гуруҳига мансуб бўлса, педиатр назорати остида туғруқхонадан уйига жўнатилади; агар чақалоқ «диққат» гуруҳига мансуб бўлса, унга алоҳида ёндошган ҳолда касаллик туридан келиб чиқиб, тор мутахасисликлар назорати остида кейинги кузатув ва даво тактикаси танланади; агар чақалоқ «истиқболи қониқарсиз» гуруҳига мансуб бўлса, уни ихтисослаштирилган тиббий муассасаларнинг 2-парвариш босқичи бўлимларида даволанади.

Диссертациянинг «Тизимли яллиғланиш жавоб синдроми бўлган чақалоқларда цитокинлар динамикасининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган тўртинчи бобида юқумли ва юқумли бўлмаган патологияли чақалоқлар қони ва сийдигидаги цитокинлар кўрсаткичлари ўрганилган.

Чақалоқларнинг иммунологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 1-гуруҳ чақалоқларда эрта неонатал даврда қонда IL-6 миқдорини (77,5±4,1 пг/л) назорат гуруҳига нисбатан (56,9±1,2 пг/л) 1,4 марта ортиқлиги аниқланди. IFN-γ -65,5±2,6 пг/л, назорат гуруҳи - 38,7±2,3 пг/л (P<0,05)га нисбатан 1,7 марта ошганлиги, IL-8 соғлом гуруҳ кўрсаткичи даражасида, ҳамда TNF-α- 31,1±0,7 пг/л, соғлом гуруҳ - 39,0±2,8 (P<0,05)га нисбатан камайганлиги аниқланди(4-жадвал).

Инфекцион яллиғланишли касалликлари бор чақалоқларни веноз қонида эрта мослашув даврида IL-6 ва IFN-γ миқдорининг сезиларли ошганлиги (мос равишда 77,5±4,1 пг/л (p<0,001) ва 65,5±2,6 пг/л, p<0,001), бола организмни нафақат юқумли омилга, балки эмлаш, инвазив ва ноинвазив муолажалар, фототерапия каби омилларга жавоб реакциясидан далолат беради. Кечки неонатал даврда клиник белгиларнинг ижобий динамикаси билан IL-6 ва IFN-γ миқдорининг меъёрлашуви (52,2±2,0 пг/мл, P<0,05 ва 38,8±2,2 пг/мл аниқланди.

## Юқумли омил таъсир этган чақалоқлар қонида цитокинлар миқдори

Цитокинлар	Назорат гуруҳи	Эрта неонатал даврда (n=30)	Кечки неонатал даврда (n=30)
TNF- $\alpha$	39,0 $\pm$ 2,8	31,1 $\pm$ 0,7**	18,4 $\pm$ 1,5***
INF- $\gamma$	38,7 $\pm$ 2,3	65,5 $\pm$ 2,6***	38,8 $\pm$ 2,2
IL-6	56,9 $\pm$ 1,2	77,5 $\pm$ 4,1***	52,2 $\pm$ 2,0*
IL-8	60,7 $\pm$ 6,7	59,4 $\pm$ 0,9	35,8 $\pm$ 4,4**

Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Кечки неонатал даврда TNF- $\alpha$  ва IL-8 миқдорларининг назорат гуруҳи кўрсаткичидан 2 марта камайиши кузатилган ва юқумли генезли перинатал патологиянинг чақалоқларда клиник ижобий истикболини кўрсатди. Бу эса организмни фақат юқумли агентга эмас, балки юқумли бўлмаган табиатли зарарловчи омилларга ҳам жавоб реакциясини исботлайди.

Инвазив муолажаларни максимал камайтириш, чақалоқлар травматизациясининг олдини олиш, қон ва пешобдаги цитокинлар миқдор кўрсаткичларини солиштириш мақсадида пешобда цитокинлар миқдори ўрганилган. Бунда юқумли гуруҳли чақалоқларда эрта неонатал даврнинг ўзидаёқ TNF- $\alpha$  ва IL-6 нинг пешобдаги миқдори ишончли ошганлиги аниқланган. Шунга кўра TNF- $\alpha$  нинг эрта неонатал даврдаги миқдори 23,3 $\pm$ 0,6 пг/мл (P<0,001) тенг бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳи кўрсаткичига (20,3 $\pm$ 0,3 пг/мл) нисбатан ишончли юқоридир. Мазкур юқори кўрсаткичлар шу гуруҳда кечки неонатал даврда ҳам сақланиб туради.

Юқумли яллиғланиш касалликлари бўлган чақалоқлар ҳолатини баҳолашда ижобий клиник натижа кузатилганларнинг қонида эрта неонатал даврда TNF- $\alpha$  миқдорининг 31,1 $\pm$ 0,7 пг/мл гача камайиши ҳамда пешобда унинг миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан 20,3 $\pm$ 0,3 пг/мл ишончли ошиши-(23,3 $\pm$ 0,6 пг/мл) тасдиқланган (P<0,001).

1- гуруҳ чақалоқлари пешобда IFN- $\gamma$  миқдори ишончли кўрсаткични бермади.

IL-6 фаол яллиғланиш жараёнининг белгиси сифатида 1- гуруҳда, ҳам эрта ҳам кечки неонатал даврда назорат гуруҳининг меъёрий кўрсаткичларидан анча юқори кўрсаткичга эга бўлган. Унинг пешобдаги концентрацияси соғлом гуруҳга нисбатан 10 баробардан ортиқроқ эканлиги аниқланди (юқумли гуруҳда 140,6 $\pm$ 35,5 пг/мл, назорат гуруҳида 13,5 $\pm$ 0,8 пг/мл, (P<0,001) (5-жадвал).

Кечки мослашув даврида ҳам IL-6 миқдорининг ўсиш сурати 8,6 марта (116,3 $\pm$ 35,4 пг/мл гача) ошиб борган (P<0,05). Биринчи ва назорат гуруҳларининг IL-6 кўрсаткичлари орасида фарқ кузатув даври мобайнида ишончилиги гача қолди.



## Юқумли омил таъсир этган чақалоқлар пешобда цитокинлар миқдори

Цитокинлар	Назорат гуруҳи	эрта неонатал давр (n=30)	Кечки неонатал давр (n=30)
TNF- $\alpha$	20,3 $\pm$ 0,3	23,3 $\pm$ 0,6***	22,7 $\pm$ 0,9*
INF- $\gamma$	9,2 $\pm$ 0,07	9,5 $\pm$ 0,3	9,5 $\pm$ 0,26
IL-6	13,5 $\pm$ 0,8	140,6 $\pm$ 35,5***	116,3 $\pm$ 35,4**
IL-8	1,1 $\pm$ 0,1	4,6 $\pm$ 2,12	1,5 $\pm$ 0,3


Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Цитокинлар ҳолатини текшириш натижасида олинган натижалар клиник-биокимёвий кўрсаткичлар билан таққосланганда юқумли патологияли чақалоқларда тизимли яллиғланиш симптомлари: гипертермия, лейкоцитоз, С реактив оксил ошиши ва протромбин индексининг ўзгариш ҳолатлари кузатилди.

Тадқиқотдан олинган натижалар цитокинларни яллиғланиш ўчоғида йиғилиши ва яллиғланиш жараёнининг фаоллигидан дарак беради ҳамда аниқ яллиғланишга қарши даवони талаб қилади.

Текширишларда 1- гуруҳ чақалоқлар қонида эрта неонатал даврда IL-8 миқдори (35,8 $\pm$ 4,4 пг/мл) назорат гуруҳи кўрсаткичига (60,7 $\pm$ 6,7 пг/мл) нисбатан пастлиги аниқланган (P<0,05). Пешобда эса унинг миқдори (4,6 $\pm$ 2,12 пг/мл) назорат гуруҳига нисбатан (1,1 $\pm$ 0,1 пг/мл) ишончсиз ошганлиги аниқланган.

2-гуруҳнинг иммунологик текширув натижасида қонда TNF- $\alpha$  миқдорининг 1,5 марта (60,4 $\pm$ 1,6 пг/мл, P<0,001), INF- $\gamma$  миқдорининг 1,8 марта (71 $\pm$ 1,01 пг/мл, P<0,001) ва IL-6 миқдорининг 2,5 марта (136,9 $\pm$ 34,1 пг/мл, P<0,001) ишончли ошганлиги аниқланди. IL-8 миқдори эса эрта неонатал даврда ишончсиз пасайиши (53,9 $\pm$ 0,89 пг/мл) аниқланган (1-расм).



1-расм. Юқумли бўлмаган перинатал патологияси бўлган чақалоқлар қонида цитокинлар миқдори

Эрта неонатал даврда юқумли бўлмаган патологияли чақалоқлар гуруҳи қонида TNF- $\alpha$  миқдорининг ишончли ошиши касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқлигини исботлайди.

Мазкур гуруҳда эрта неонатал даврда клиник жиҳатдан нафас етишмовчилиги, церебрал ва юрак қон томир бузилиш симптомлари устунлиги аниқланди.


Юқумли бўлмаган патологияли чақалоқлар гуруҳида қондаги TNF- $\alpha$  миқдорининг назорат гуруҳи кўрсаткичлари- $39,0 \pm 2,78$  пг/мл га нисбатан ишончли пасайиши- ( $27,6 \pm 3,8$  пг/мл,  $P < 0,05$ ) ТЯЖСнинг ижобий кечиш индикатори сифатида тасдиқланган.

Мазкур гуруҳда эрта ва кечки неонатал даврда қондаги ИНФ- $\gamma$  миқдори ( $71,1 \pm 1,01$  пг/мл ва  $65,7 \pm 9,8$  пг/мл) назорат гуруҳига ( $38,7 \pm 2,26$  пг/мл) нисбатан мос равишда юқорилиги аниқланган. Тадқиқотимизда кузатилган қонда ИНФ- $\gamma$  миқдорининг ошиши чақалоқ организмнинг бактериялар, вируслар, турли кичик молекулали кимёвий ёки дори моддалари каби омилларга жавоб реакцияси билан изоҳланади.

Юқумли бўлмаган перинатал патологияли чақалоқларда кўпинча тиббий омилларнинг зарарли таъсирига дучор бўлиши: реанимацион инвазив муолажалар натижасида иккиламчи инфекция ривожланишининг эҳтимоли ошиши аниқлиги исботланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, чақалоқларда ТЯЖСнинг истиқболли маркёрлари бўлиб қондаги TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$  ва IL-6 хизмат қилади. Қонда уларнинг миқдорини бараварига ошиши салбий оқибат белгиси ҳисобланади.

2-гуруҳ чақалоқлар пешобда цитокинлар миқдорининг таҳлили уларда TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$  ва IL-6 ишончли юқорилиги аниқланган ( $p < 0,05$ ). Мазкур гуруҳда эрта ва кечки неонатал даврда пешобда IL-8 миқдори  $1,6 \pm 0,3$  пг/мл га тенглиги аниқланган (2-расм).



**2-расм. Юқумли бўлмаган перинатал патологияли чақалоқлар пешобда цитокинлар миқдори**

Эрта неонатал даврда юкумли бўлмаган перинатал патологияли чақалоқлар пешобда IL-6 миқдори соғлом чақалоқлар гуруҳига нисбатан 11,5 марта юқорилиги қайд этилди ( $p < 0,05$ ).

Кечки неонатал даврда унинг кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 10,6 марта ошиши, ва мос равишда  $139,9 \pm 34,3$  пг/мл ва  $13,5 \pm 0,8$  пг/мл га ( $P < 0,05$ ) тасдиқланган. Бир вақтда клиник-биокимёвий манзара чақалоқлар ҳолатидаги иякда турғун тремор, талвасага мойиллик, қайт қилиш ёки қусиш, диспноэ, ЭЧТ ошиши, коагулопатияларни кўрсатди. Табиийки, пешобда IL-6 миқдорининг ошиши организмда церебрал қон айланиши бузилишидан дарак беради.

2- гуруҳ чақалоқлари пешобда IL-8 миқдорининг паст тенденцияда ошиши МНСПЗ, чўзилган сариқлик ва ҳазм тизими дисфункциясида ушбу цитокиннинг яллиғланиш ўчоғида йиғилиши билан изоҳланади.

Чақалоқлар пешобда цитокинлар миқдорини аниқлаш неонаталогияда ноинвазив иммуноташхиснинг афзалликларини исботланган. Сийдикда цитокинлар миқдорининг назоратини олиб бориш ҳам эрта ҳам кечки неонатал даврда касалликларнинг кечиш истиқболлини белгилаб берган.

Яллиғланиш жараёни маркери бўлган IL-6 яллиғланишни кўлловчи ва яллиғланишга қарши цитокин сифатида юкумли ва юкумли бўлмаган генезли яллиғланишга жавоб реакцияни бошқариб туради.

Қонда TNF- $\alpha$  кўрсаткичи ноинфекцион патологияли чақалоқларда ТЯЖСнинг ижобий кечиш индикатори бўлиб ҳисобланади. Чақалоқларда ТЯЖСнинг истиқболли маркерлари қондаги ва пешобдаги TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$  ва IL-6 лардир. Қонда ва пешобда ушбу кўрсаткичларнинг бир вақтда ошиши перинатал патологиянинг салбий оқибатидан дарак беради. Пешобда TNF- $\alpha$ , IFN- $\gamma$  ва IL-6 миқдорининг ташхисий қиймати қондаги аҳамиятидан қолишмайди ва перинатал патологияли чақалоқларни кейинги кузатувида тиббий тактикани белгилаб беради.

